



UZBEKISTAN IS AN ACTIVE SUBJECT OF INTERNATIONAL POLITICS

Mukimjon Kyrgyzboev

doctor of political sciences, professor

University of Journalism and Mass Communications of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: foreign policy, regional integration, regional cooperation, geoeconomics, geopolitics, international economic relations, international relations, international organizations, multi-vector foreign policy, economic potential.

Received: 11.05.23

Accepted: 13.05.23

Published: 15.05.23

Abstract: The article analyzes the development of the foreign policy of the Republic of Uzbekistan at the level of developed countries in the last five years, the development of the country's foreign and foreign economic policy with the initiatives and actions of President Sh.M. Mirziyoyev, and the processes of Uzbekistan becoming an active subject of international politics. Also, in the article, as well as the results of an active and constructive foreign policy, the strengthening of geo-economic and geopolitical influence of Uzbekistan, the evolution of their impact on Central Asia, developed countries and international organizations are scientifically interpreted.

ЎЗБЕКИСТОН – ХАЛҚАРО СИЁСАТНИНГ ФАОЛ СУБЪЕКТИ

Муқимжон Қирғизбоев

сиёсий фанлар доктори, профессор

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ташқи сиёсат, минтақавий интеграция, минтақавий ҳамкорлик, геоиқтисодиёт, геосиёсат, халқаро иқтисодий алоқалар, халқаро муносабатлар, халқаро ташкилотлар, кўп векторли ташқи сиёсат, иқтисодий салоҳият.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг сўнгги беш йил ичида ривожланган давлатлар даражасида ривожланиши, Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари ва саи ҳаракати билан мамлакат ташқи ва ташқи иқтисодий сиёсатининг ривожланиши, Ўзбекистонни халқаро сиёсатнинг фаол субъектига айланиш жараёнлари таҳлил этилади. Шунингдек, мақолада фаол ва

конструктив ташқи сиёсат натижалари ўлароқ Ўзбекистон геоиқтисодий ва геосиёсий таъсирининг кучайиши, уларнинг Марказий Осиё, ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотларга нисбатан таъсири эволюцияси ҳам илмий жиҳатдан талқин этилади.

УЗБЕКИСТАН – АКТИВНЫЙ СУБЪЕКТ МЕЖДУНАРОДНОЙ ПОЛИТИКИ

Муқимжон Кыргызбоев

доктор политических наук, профессор

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: внешняя политика, региональная интеграция, региональное сотрудничество, геополитика, геοэкономика, международные экономические отношения, международные отношения, международные организации, многовекторность внешней политики, экономический потенциал.

Аннотация: В статье анализируется развитие внешней политики Республики Узбекистан на уровне развитых стран за последние пять лет, развитие внешней и внешнеэкономической политики страны с инициативами и действиями Президента Ш.М.Мирзиёева, а также процессы превращения Узбекистана в активного субъекта международной политики. Также в статье, а также результаты активной и конструктивной внешней политики, научно осмыслены усиление геοэкономического и геополитического влияния Узбекистана, эволюция их влияния на Центральную Азию, развитые страны и международные организации.

КИРИШ

Ўзбекистон Републикасининг ташқи сиёсати мустақиллик даврига келиб мустақил давлат ва миллий манфаатларни ифодалай бошлади. Мустақилликнинг дастлабки чорак асрида Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсати асосан давлат раҳбарининг хоҳиши ва миллий манфаатлар асосида тез-тез ўзгаришларга учраб турди. Албатта, бу жараён жаҳондаги ва минтақалардаги ўзгаришлар, шунингдек, ташқи сиёсатни амалга оширувчи шахсларнинг субъектив муносабатлари доирасида давом этти.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий мақсади мустақилликни ва давлат суверенитетини, унинг ўрни ва ролини халқаро майдонда мустақамлаш, мамлакатда хавфсизлик ва барқарорлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суриш кабилардан иборат эканлиги расмий равишда эълон қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг принципларидан бири – бу ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, мамлакат ҳудудига хорижий ҳарбий базаларни жойлаштиришга

йўл қўймаслик, барча зиддиятлар ва мажораларни тинч сиёсий музокаралар йўли билан ҳал этишга аҳамият қаратилди. Мамлакатнинг геосиёсий ўрни ҳам давлат ташқи сиёсати натижалари ҳамда бошқа давлатлар, унингдек халқаро ташкилотлар муносабатлари ва тасирлари ўлароқ шаклланди. Мамлакат геосиёсатида асосан халқаро сиёсий жараёнларда камроқ иштирок этиш, мамлакат ичкарасига ташқи ва халқаро таъсирларни киритмаслик сиёсати устуворлик қилди. МДХ ва Марказий Осиё мамлакатлари билан барқарор сиёсий, ижтимоий-иқтисодий алоқалар ўрнатилмаганлиги, улар ўртасида зиддиятларнинг кучли эканлиги мамлакатнинг геосиёсий алоқалари ва муносабатларини “ўзини ўзи ҳимоялаш”, “халқаро сиёсий жараёнларга деярли таъсир қилмаслик” каби анъанавий қоидаларга асосланиши оқибатида ижобий ўзгаришларга учрамади. Геосиёсий турғунлик мамлакат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳволдан келиб чиққан эди. Фуқаролар давлатнинг ташқи сиёсатини нафақат назорат қилиш, балки уни кузатиш имкониятидан ҳам маҳрум эди. Ташқи сиёсатни бошқариш авторитар усулларда олиб борилган учун геосиёсий имкониятлар ҳам чекланган эди. Мамлакатда ташқи сиёсат соҳасида ана шундай ҳолат ҳукм суриб турган бир пайтда Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланиши мамлакат ташқи сиёсати ва унинг геосиёсий салоҳиятини қисқа вақт ичида трансформацияга учрашига олиб келди.

Дастлаб қабул қилинган давлат ҳужжати – “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган “давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш” вазифаси давлат ташқи сиёсати ҳуқуқий асослари, унинг таъсир кучи ва қамровини тезилик ошишига олиб келди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТдаги ва бошқа ташқи сиёсатга оид маъруза ва нутқлари асосий методик асос бўлди. Мақолани ёзишда Президент Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 ва 75-сессиясидаги нутқи, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларидаги нутқи, ШХТ саммитларидаги нутқларидаги стратегик ва концептуал назарий ишланмалардан фойдаланилди. Шу билан бирга, мақолада Ўзбекистон ва бошқа баъзи давлатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашувлари ҳужжатларидан фойдаланилди. Жумладан, Ф.Ҳақимовнинг “Ўзбекистоннинг очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсатида Марказий Осиёнинг ўрни” (14 апрель 2023 й.), С.Рустамининг “Зарубежная аналитика об интеграционных процессах в Центральной Азии” (7 июля 2020 г.), Д. Мамонтованинг “Водная проблема Центральной Азии: будет ли решение?” (27 ноября 2013 г.), А.Пахолиннинг “О проникновении США в Узбекистан”,

номли илмий мақолалари, муаллифлар жамоасининг “Водно-энергетические ресурсы Центральной Азии: проблемы использования и освоения ЕАБР. Отраслевой обзор.2008” тўплами кабилардаги материаллардан фойдаланилди ва уларга нисбатан муаллиф томонидан нуқтаи назарлар билдирилди.

Мақолани ёзишда амал қилинган методлар тариқасида халқаро ташкилотлар, ривожланган давлатлар ва Ўзбекистон давлати ташқи сиёсатлари тажрибалари, уларнинг иш фаолиятларида амал қилган иш усуллари ўрганилди. Шунингдек, кейинги ўн йилликда ташқи сиёсат институтларининг эволюциясига ҳам муҳим эътибор қаратилди. Ўзбекистон давлатинининг 1991-2016 ва 2017-2023 йиллардаги ривожланиш даражалари қиёсий таҳлил қилинди, кейинги ривожланиш босқичи йирик ривожланган давлатлар тажрибаки билан қиёсий таҳлил этилди.

Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси ва саи ҳаракатлари билан Ўзбекистон давлати Марказий Осиё минтақасига ўз ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши сифатида ёндашди. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон давлатлари раҳбарлари билан бешта давлатларнинг тарихий ўзаро муносабатлари, бир динли эканлиги, тилларининг бир-бирига яқинлиги каби омилларни қайтадан яратиш, бешта республика халқлари маданиятлари ва анъаналари ўзаро муштараклиги каби тарихий воқеликларга оид хотираларни тиклаш, шунингдек, шахсий инсоний муносабатлар воситасида минтақа интеграцияси образи яратилди, “Марказий Осиё руҳи” шаклланди.

Агар Ўзбекистон билан Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўзаро алоқаларини 2016 йилгача бўлган ҳолатига эътибор берилса, уни ҳозирги даврдаги муносабатлар билан солиштириб бўлмайди. У даврда сув ресурсларидан фойдаланиш, транспорт коммуникациясидан умумий тарзда фойдаланиш, фуқароларнинг қўшни давлат чегараларидан ўтиши, давлатлараро чегараларни делимитация қилишда ўзаро ихтилофлар кучли эди. Шунинг учун ҳам Президент Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўтган 25 йил ичида тўпланиб қолган жуда катта муз мавжуд” (Тошкент вилояти фаоллари билан учрашувда) деган иборани ишлатган эди

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик ва ўзаро миллий манфаатларга мос алоқаларни ривожлантириш асосий устувор йўналиш сифатида белгиланди. Бу йўналишда амалга оширилаётган ўзаро иқтисодий ва технологиялар алмашиш алоқалари 2017-2023 йилларда минтақа интеграцияси шаклланди, ўзаро ишонч мустаҳкамланди. Давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари анъанага айланиши, турли даражадаги ўзаро олий расмий учрашувлар кўпайди, давлатлар ва шаҳарлараро транспорт алоқалари бениҳоя ривожланди. Шу билан бирга, минтақада сувдан фойдаланиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, чегараларни кесиб ўтиш, транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш каби масалалар ҳал этилди. Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар

кенгайиб, Ўзбекистоннинг минтақавий ташқи савдо айланмаси ҳажми 2022 йил якунига келиб 2016 йилга нисбатан 3 баробарга ошди ва 7,5 миллиард долларни ташкил этди.

Италиялик таҳлилчи Фабио Индео ўзининг «New Trends in Central Asian Connectivity» номли мақоласида Марказий Осиё минтақаси салоҳияти ва имкониятларини ўрганиб, Ўзбекистоннинг географик жойлашуви, барча Марказий Осиё давлатлари билан, жумладан, Афғонистон билан чегарадошлигига эътибор бериб, бу омилларни минтақани ривожланишига кучли таъсир қилиши, унинг хавфсизлиги ва барқарорлиги катта ҳисса қўша олишини далиллаб беради. Унинг фикрича, Ўзбекистон ўзига Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида кўп векторли ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлагани ҳолда Марказий Осиё минтавий дипломати ролини олди. Шунингдек, Ф. Индео Ўзбекистоннинг минтақавий ёндашуви минтақадаги давлатларга узок йиллар улар ўртасида тўпланиб қолган ўзаро ишончсизлик ва рақобатни барҳам топишига, охири оқибатда минтақавий интеграцияга олиб келади.

Марказий Осиё интеграцияси ҳозирги даврнинг энг ҳаётий зарурати эканлигини минтақада сув ресурсларини тақсимланиши ва улардан фойдаланиш ҳолатининг ўзи очик-ойдин кўрсатиб турибди. Агар Қирғизистон Сирдарё бассейнини назорат қилса, Тожикистон Амударё бассейнини назорат қилади. Қозоғистонга ташқаридан дарё сувининг оқиб келиши 42 фоиз, Ўзбекистонга 77 фоиз, Туркманистонга 94 фоиз эҳтиёж мавжуд. Орол денгизи бассейни устки сув ресурслари (ўртача бир йиллик тўпланадиган сув миқдори) Қозоғистонга 3,9 фоиз, Қирғизистонга 25,3 фоиз, Тожикистонга 55,4 фоиз, Туркманистонга (Эрон билан биргаликда) 2,4 фоиз, Ўзбекистонга 7,6 фоиз, Афғонистонга 5,4 фоиз тўғри келади.

Кўриниб турибдики, Марказий Осиёда давлатларнинг сув ресурслари билан ундан фойдаланишга бўлган эҳтиёжлар ўртасида жуда ҳам катта тафовутлар мавжуд. Бу каби номутносибликларни транспорт-коммуникация, энергетика, тоғ-кон рудалари ресурсларини жойлашувида ҳам кузатиш мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг чор атрофи Марказий Осиё давлатлари билан чегарадош бўлганлиги учун бу минтақада манфаатлар тўқнашувларини авж олдириш ёмон оқибатларга олиб келиши турган гап эди.

Хулоса қилиб айтганда, бизни Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий ва савдо алоқаларини ривожлантириш тарихимиз, тақдиримиз ва қисматимизга битилган. Бу минтақада фақат ўзаро тинч кўшничлик, бир минтақага интеграциялашиш нафақат минтақадаги ўзаро алоқаларимизга, балки жаҳондаги бошқа давлатлар билан бўладиган ташқи сиёсатимизга ижобий таъсир этади.

2018-2023 йилларда Ўзбекистоннинг энг йирик иқтисодий шерикчилиги Хитой ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу ўзаро шерикчилик ҳам Хитой билан тўғридан-тўғри, ҳам Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти воситасида ривожланиб бормоқда. Хитой билан шерикчилик муносабатлари албатта фойдадан холи эмас. Хитой ташқи сиёсатининг ҳам ўзига яраша муаммолари мавжуд.

Биринчидан, Хитой хануз социалистик режимда яшамоқда. Мамлакатда уйғурлар масаласи пайдо бўлган. АҚШ билан ўзаро сиёсий ва иқтисодий муносабатларда совуқчилик чуқурлашиб бормоқда. Тайвань масаласида ҳам АҚШ-Хитой муаммолари ҳали тингани йўқ. Шундай шароитда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ривожланиб бормоқда.

2022 йил якунларига кўра, Хитой Ўзбекистоннинг иккинчи йирик савдо шериги бўлгани, Хитой билан савдо айланмаси қарийб 9 миллиард долларга етгани қайд этилди. Ўтган йилда мамлакатда Хитой капитали иштирокида 275 та янги корхона ташкил этилган бўлса, бугунги кунда республикада Хитой инвестициялари иштирокидаги 2100 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатаётгани айтилди.

2016-2022 йилларда Хитой компаниялари ва ҳукумати томонидан нефть ва газ излаш, тўқимачилик ва кимё саноати, инфратузилмани яратиш, транспорт, телекоммуникация ва қурилиш каби соҳаларда Ўзбекистонга 10 миллиард доллардан ортиқ сармоя киритгани қайд этилди.

Хитойнинг яна бир йирик ва муҳим лойиҳаси – бу Марказий Осиёда Туркменистон, Ўзбекистон ва Қозоғистонни Хитой билан боғловчи магитрал газ қувурини ўтказишдир. Газ қувурини лойиҳавий қуввати йилига 40 млрд. кубметр газни етказиб беради. У Марказий Осиё худудида 1900 км, Хитой худудида 4500 км масофани ташкил этади.

Хитой АҚШ, Россия каби Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон билан яқин шерикчилик ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдан манфаати жуда ҳам катта. Чунки, Ўзбекистон Хитой товарларининг катта бозори, Ўзбекистон орқали нафақат Марказий Осиё, балки у Хитойни Афғонистон, Эрон, Покистон билан иқтисодий коммуникацияларни боғлайдиган жуғрофий ўринга жойлашган. Хитой маиший, электротехника, алоқа-мобиль коммуникациялари ва бошқа товарлари анча арзон бўлгани учун улар Ўзбекистон бозорини ҳар бир қадамида учратиш мумкин. Шунингдек, Хитой ва Ўзбекистоннинг Афғонистонга муносабати деярли муштарак: ёндашувларда ўхшашиликлар талайгина. Ўзбекистон иқтисодиётига қўйилаётган Хитой инвестициялари ҳам иқтисодиётимизга сезиларли ижобий таъсир этмоқда.

Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистоннинг Россия билан ўзаро дипломатик ва иқтисодий алоқаларида баъзи муаммолар пайдо бўлди. Бу, биринчидан, Ўзбекистонни Евросиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) аъзолигига кирмаслиги билан боғлиқ. Албатта, ҳар қандай давлатлар ёки блоклар билан ўзаро манфаатлар асосида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш – бу давр талаби. Лекин, бу масаланинг бошқа томонлари мавжуд. Ҳозирги даврда Россиянинг халқаро майдондаги вазияти мушкул аҳволда: Россия ва Украина ўртасида уруш ҳаракатлари натижасида АҚШ ва Европа Иттифоқи билан Россия ўртасида муносабатлар дарз кетди. Ҳозирги даврда Марказий Осиё давлатларининг Россияга яқинлашиши ғарбга, ғарбга яқинлашиши эса Россияга ёқмайди. Шунинг учун ҳозирча Ўзбекистонни ЕОИИ фаолиятида кузатувчи сифатида иштирок

этиши миллий манфаатларга тўғри келади. Иккинчидан, ЕОИИ га аъзо давлатлар - Арманистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон бу иттифоқ ёрдамида жудаям ривожланиб кетгани йўқ. Ташкилотда аъзоларнинг овози тўлов бадалларига асосланган ҳолатда белгиланиб, унга кўра Россия – 40, Беларусь – 15, Қозоғистон – 15, Қирғизистон – 7,5, Арманистон – 7,5 овозга эга эканлиги ЕОИИ қарорларини қабул қилиш тенгсизлик асосида бўлишини тақозо этади.

Россия бадаллари кўплиги ҳисобига ЕОИИнинг парламентлараро комиссиясига Россиядан 42 та, Беларусдан 16 та, Қозоғистондан 16 та, Қирғизистондан 8 та, Арманистондан 8 та депутат ташкилотнинг мазкур комиссияси таркиби фаолият юритади. Демак, иттифоқ ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлари ҳам тенгсиз овоз беришлар асосида қабул қилинади. Умуман, хулоса қилиб айтганда, ЕОИИга аъзо бўлиб кириш масаласини ҳал этиш мушкул ишлардан бири ҳисобланади.

Россия билан иқтисодий ҳамкорлик қилишнинг Ўзбекистон миллий манфаатларига мос келадиган энг фойдали шакли – бу икки томонлама алоқаларни ривожлантиришдир. Ўзбекистон ЕОИИ аъзоси бўлмаган ҳолда ҳам Россия билан ўзаро алоқаларини ривожлантириб ва мустаҳкамлаб бормоқда.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг Россия билан иқтисодий ва маданий алоқалари йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Кейинги беш йил ичида бу икки томонлама ҳамкорлик янги мазмун касб эта бошлади. Бу ҳолат Ўзбекистонни қўшни давлатлар, хусусан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга доир саъи ҳаракатларига ҳам ижобий таъсир кўрсата бошлади. Ўтган давр тажрибаси кўрсатдики, икки томонлама муносабатлар ва алоқалар воситасида ҳам самарали дипломатик ва ташқи сиёсатни амалга ошириш мумкин экан.

Лекин, Россияни АҚШ, Европа Иттифоқи ва улар ҳамкорлари билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларини дарз кетиши, Россия ва Украина ўртасидаги уруш туфайли бу мамлакатга яқинлашган давлатлар ривожланган давлатлар томонидан ноҳушлик муносабатларига учрамоқда. Шунинг учун ҳам Россия билан жуда ҳам яқинлашиб кетиш бошқа буюк давлатлар билан алоқаларга дарз етказиши мумкин. Шунинг учун ҳозирги даврда Россия билан фақат икки томонлама ўзаро муносабатлар олиб бориш имкониятидан фойдаланиш ўз натижасини бериши мумкин.

2023 йил охиригача Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 10 млрд. доллардан ошиши мумкин. Бу кўрсаткич 2022 йилда 9,3 миллиард долларни ташкил этган. Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги савдо вакили Константин Злигостевнинг хабар беришича, “икки давлат етакчилари томонидан 10 млрд. долларга етказиш бўйича қўйилган вазифа, ишончим комилки, бу йил амалга оширилади».

Россия Ўзбекистондаги энг йирик инвесторлардан бири бўлиб қолмоқда. Россия компаниялари ушбу мамлакат иқтисодиётига 10 млрд. доллардан ортиқ сармоя киритган. 2022 йил якунига кўра Россия Федерацияси Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари

рўйхатида яна биринчи ўринга қайтди. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш 2021 йилга нисбатан 23 фоизга, яъни – 9,28 миллиард долларгача ошди. Бу эса Ўзбекистон умумий ташқи савдо айланмасининг 18,6 фоизини ташкил этади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутадиган энг йирик давлатлардан бири – бу Америка Қўшма Штатларидир. Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналиши Афғонистонда тинчлик ва бақарорликни ўрнатиш бўйича, шунингдек транснационал таҳдидларга қарши курашда ҳамкорлик қилишдир.

Ўзбекистон-АҚШ ўзаро алоқаларини ривожланишининг янги босқичини Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 15-17 майдаги АҚШга сафари ва унинг АҚШ Президенти Р.Трамп билан учрашувлари натижалари бошлаб берди. Мазкур сафар кунлари ҳар икки давлат компаниялари 4,8 млрд. доллар ҳажмдаги шартномалар имзоланди.

2019 йил 10 июлда АҚШнинг Ўзбекистондаги янги элчиси Д.Розенблум АҚШнинг Ўзбекистондаги бешта вазифасини эълон қилди: 1) хавфсизлик соҳасидаги шерикчиликни чуқурлаштириш, яъни “Афғонистонда тараққиёт ва тинчликни таъминлаш” да америкаликлар ва ўзбекларни ҳамкорликдаги фаолияти, шунингдек терроризм, экстремизм ва наркотрафикага қарши курашда ҳамкорлик қилиш; 2) Ўзбекистондаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларни қўллаб-қувватлаш; 3) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; 4) таълим, маданият, илмий ва ишбилармонлик соҳаларида икки мамлакат фуқароларининг тўғридан-тўғри алоқаларини йўлга қўйиш; 5) АҚШ компанияларига ўзбек бозорини ўзлаштиришига ва икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожланишига кўмаклашиш.

Кўриниб турибдики, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг АҚШ билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари ҳар икки давлат миллий манфаатлари асосида тезлик билан ривожланиб бормоқда. Истикболда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни тиклаш, кичик бизнесни ривожлантириш, таълим, технологиялар ва ҳарбий ҳамкорлик соҳаларида ўзаро шериклик қилиш мўлжалланмоқда.

Лекин, шуни очик эътироф этиш лозимки, АҚШ дунёдаги иқтисодий ва стратегик жиҳатлардан устун бўлган мамлакат. Жаҳон бозорини ҳам асосан АҚШ товарлари эгаллаган. АҚШ доллари ҳар қандай мамлакатда муомалага кириша олади. Унинг ҳарбий базалари бутун бир ер шарини барча нуқталарига жойлаштирилган. Унинг иқтисодий ва ҳарбий стратегик шерииклари нафақат Европа давлатлари, балки Узоқ Шарқда Япония, Жанубий Корея, Тайвань, Океанияда Австралия каби давлатларни келтириш мумкин. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Қолаверса, барча халқаро ташкилотларга нисбатан АҚШнинг таъсири катта. Ҳаттоки, Жаҳон Банки, Осиё Тараққиёт Банки, Халқаро Валюта фондининг устав маблағлари энг кўп мамлакат ҳам АҚШдир. Шунинг учун улар қабул қиладиган қарорларни қабул қилишда АҚШ вакиллари анча устуворликка эришган.

Ўзбекистон-АҚШ алоқаларини ривожлантириш ҳозирги даврда мамлакатимизни халқаро нуфузини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, АҚШ билан ўзаро муносабатларни яхшиланиши Ўзбекистонни бошқа ривожланган давлатлар билан янада яқинлашиб боришига ижобий таъсир қилади. АҚШнинг ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган давлатлар учун қандайдир ноҳуш муносабати – инсон ҳуқуқлари, демократия принциплари, фуқаролик жамияти институтлари, диний эркинлик, матбуот эркинлиги муаммоларини кўтарган ҳолда улар ички ишларига аралашидан иборат бўлиб қолди. Албатта, АҚШнинг бу каби иддаоларида қандайдир ҳақиқат учқунлари бўлсада, бу давлатларда тезлик билан фуқаролик жамиятига ўтиш давлатнинг қўлида эмас, балки унинг миллий тарихи, анъаналари ва менталитетида сақланиб қолаётган эски қадриятлардан воз кечиш қийин муаммо бўлиб қолаётганидир. Қолверса, халқ ўз фаровонлигини қўлга киритмай туриб уни чуқур демократик ўзгаришларга сафарбар этишнинг ҳам ҳали йўли топилгани йўқ.

Шунинг учун ҳам АҚШ билан иқтисодий, технологик, маданий ва сиёсий муносабатларни ривожлантириш ниҳоятда зарурий эҳтиёж. Лекин, бу каби муносабатлар бошқа ён атрофдаги давлатлар билан икки томонлама алоқаларга путур етказмаслиги керак.

Статистика агентлигининг маълумотларига биноан, 2023 йилнинг январь ойида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 5 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2021 йилнинг январига нисбатан 1,5 млрд. АҚШ долларига ёки 42 % га кўпайди. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси ҳажмида экспорт 2,1 млрд. АҚШ доллари ва импорт 2,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. 2023 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 14,8 млрд АҚШ долларини ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 млрд АҚШ долларига ёки 11,9 % га ошган. 3 ойда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси ҳажмида экспорт 5,7 млрд АҚШ доллари ва импорт 9,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари йиғилишида (2019 йил 17 июнь) Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларнинг янги стратегиясини қабул қилди. Бу муносабатларни ривожлантиришга шарт сифатида қуйидаги талаблар эълон қилинди: “ЕИни минтақа билан муносабатлари Марказий Осиё ҳар бир давлатининг ислоҳотлар ўтказиш, демократияни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, шунингдек, иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификация қилишга тайёрлиги”га боғлиқдир. Кўриниб турибдики, АҚШ ва ЕИни Марказий Осиёга нисбатан стратегик ва геосиёсий ёндашувларида бир хиллик мавжуд.

2022 йилнинг январь-июль ойларида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга ўсиб, 2,4 миллиард долларни ташкил этди. Бу эса Ўзбекистон томонидан GSP+ бенефициар мақомига эга бўлгани сабабли амалга оширилди. ЕИнинг энг катта давлати – Германия Ўзбекистон билан иқтисодий ва инвестициявий

алоқаларни ривожлантришга катта эътибор бермоқда. Ўзбекистон ва Германия ўртасида охириги 6 йилда савдо айланмаси ҳажми ҳамда қўшма корхоналар сони 2 баробар, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса 10 баробар ошди (қаранг: 1-жадвал).

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон давлатининг жаҳонда геосиёсий мувозанатни таъминлаб турган ривожланган давлатлар ва ўзининг ён қўшни давлатлар билан иқтисодий, савдо, маданий ва сиёсий муносабатларни тубдан яхшилаб боргани, мамлакат қонунчилиги ва инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар билан миллий ҳуқуқий асосларни уйғунлаштирилиши ўзининг ижобий натижасини бера бошлади. Айниқса, Ўзбекистоннинг блокларга, давлатлар айрим гуруҳларига, харбий ташкилотларга қўшилмаслик сиёсати ўзини оқлади. Давлат барча давлатлар билан кўп векторли ташқи сиёсат олиб бориш имкониятига эга бўлди. Натижада, Ўзбекистон давлат турли хил мафкурадаги, режимдаги, турли минтақалардаги давлатларнинг барчаси билан ўз дипломатик ва савдо-иқтисодий алоқаларини ўрнатиш, жаҳон учун очилиш имкониятига эга бўлди. Янги Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати ҳаётда ўзининг тўлиқ самарасини берди.

Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон давлатининг қисқа давр – 2017-2023 йилларда ривожланган мамлакатлар билан геоиқтисодий муносабатларининг ривожланиши натижасида давлатнинг геосиёсий таъсири кучайди. Ўзбекистон давлати халқаро муносабатлар ва ўз ташқи сиёсатида энди шунчаки иштирокчи эмас, балки геоиқтисодий ва геосиёсий фаолликни қўлга киритди. Мамлакатнинг иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёти тезлик билан ривожлана бошлади.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини доимий равишда ташкил этиб турилиши, БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюцияси 2018 йилнинг 2 июлида жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари томонидан қабул қилинди. Президентнинг иккинчи ташаббуси маърифат ва диний бағрикенглик ҳақидаги резолюциянинг қабул қилиниши бўлди. Бу резолюция 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинди. Учинчи ташаббус сифатида жаҳон ҳамжамиятида Орол муаммосини кўтарилишини кўрсатиш мумкин. лганини айтиш мумкин. Жорий йилда ушбу ташаббус амалий татбиқи давоми сифатида Оролбўйини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш режалаштирилган. Тўртинчи ташаббус Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўлганди.

1-жадвал.

Ўзбекистон билан энг кўп товар айланмаси бўлган тўққизлик етакчи давлат (2022, млн доллар)

№	Давлатлар / йиллар бўйича улуши	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
1	Россия	15,7	15,5	17,9	18,6
2	Хитой	18,1	17,7	17,7	17,8
3	Қозоғистон	8	8,3	9,3	9,2
4	Туркия	6	5,8	8,1	6,4
5	Корея Республикаси	6,5	5,9	4,5	4,7
6	Қирғизистон	2	2,5	2,3	2,5
7	Германия	2,3	2,3	1,8	2,3
8	Туркменистон	1,3	1,5	2,1	1,9
9	Афғонистон	1,5	2,1	1,5	1,5

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида (23 сентябрь 2020 й.) қатор жаҳоншумул муаммолар ечимларига доир ўз таклиф ва ташаббусларини юксак минбардан туриб эълон қилди. Уларни ичида ҳозир жаҳонда кенг тарқалган коронавирус пандемияси хуружи тўғрисида қуйидаги фикрни билдирди: «Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади ...Мақсадимиз — ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир».

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюцияни қабул қилиниши, бу ташаббуснинг давоми сифатида Ҳиндистон, Покистон ва Хитой бозорларига чиқиш учун муқобил транспорт йўлақларини илгари суриш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқилиши мамлакатнинг геосиёсий фаоллиги ошиши учун шарт-шароитлар яратди.

Ўзбекистоннинг 2022-2023 йилларда учта нуфузли халқаро ташкилот – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотида раислик қилиши ҳамда мамлакатда мазкур ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари иштирокида саммитларнинг муваффақиятли ташкил этилганлиги Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти ва кўп томонлама дипломатиясида янги саҳифа очди.

Илмий муомалага олиб кирилмаган, шунингдек, сўнгги беш йилликда Ўзбекистон ташқи сиёсати эволюцияси ва истикболларини салбий нуқтаи назардан таҳлил этган А. Куртов А.Грозин М.Тешабаева ва бошқаларнинг мақолалари ўрганилиб, улар асосланган далилларнинг субъективлиги, реал воқеликка тўғри келмаслиги бизнинг мақоламиздаги таҳлиллار асосида далилланади. Мазкур муаллифлар мақоаларининг аксарият қисми турли мунозараларга сабаб бўлишидан ташқари, улар Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатининг у ёки бу жиҳатларини субъектив равишда талқин этган.

ХУЛОСА

Умуман олганда, 2017-2023 йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги муҳим воқеликлар, геосиёсий ва иқтисодий ўзгаришар тўғрисидаги таҳлиллardan хулоса чиқарадиган бўлсак, мамлакатни ривожланган давлатларга интеграциялаш, иқтисодий салоҳиятни ривожлантиришда ташқи сиёсатни жаҳонга очилгани муҳим аҳамият касб этди. Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг геоиқтисодий муносабатлари мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Бу ҳолат унинг жаҳон халқаро муносабатларига геосиёсий таъсирини кучайтирди ва фаоллаштирди. Мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, бозор иқтисодиёти қонуниятларини жорий этиш, давлат бошқаруви тизими аҳоли манфаатларига қаратиш, давлат қонунчилик тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда барча томонлар манфаатларини эътиборга олиш, халқаро майдонда фаол иштирок этиш каби туб ўзгаришар натижаси ўлароқ янги Ўзбекистон шакллана бошлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ҳакимов Ф. Ўзбекистоннинг очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсатида Марказий Осиёнинг ўрни. 14 апрель 2023 й.// https://uza.uz/uz/posts/ozbekistonning-ochiq-pragmatik-va-faol-tashqi-siyosatida-markaziy-osiyoning-orni_473464
2. Рустами С. Зарубежная аналитика об интеграционных процессах в Центральной Азии. 7 июля 2020 г.// <https://caa-network.org/archives/20098>
3. Мамонтова Д. Водная проблема Центральной Азии: будет ли решение? 27 ноября 2013 г.// <https://www.hronikatm.com/2013/11/vodnaya-problema-tsentralnoy-azii-budet-li-reshenie>
4. Водно-энергетические ресурсы Центральной Азии: проблемы использования и освоения ЕАБР. Отраслевой обзор. 2008.-С.7.
5. Хитой 6 йил ичида Ўзбекистонга қанча сармоя киритгани маълум қилинди. 20.04.2023 й.// <https://kun.uz/news/2023/04/20/xitoy-6-yil-ichida-ozbekistonga-qancha-sarmoya-kiritgani-malum-qilindi>
6. 2023 йилда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 10 миллиард доллардан ошиши мумкин. 1 март 2023 й.// <https://yuz.uz/news/2023-yilda-ozbekiston-va-rossiya-ortasidagi-tovar-ayirboshlash-hajmi-10-milliard-dollar-dan-oshishi-mumkin>

7. Пахолин А. О проникновении США в Узбекистан // <https://www.fondsk.ru/news/2019/07/21/o-proniknovenii--ssha-v-uzbekistan-48641.html>
8. 2023 йилнинг илк ойида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 5 млрд. АҚШ долларига етди.21.02.2023 й.// <https://darakchi.uz/uz/161801>
9. 3 ойда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 14,8 млрд АҚШ долларига етган.25 апрель 2023 й.// <https://www.gov.uz/uz/news/view/36845>
10. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилмоқда9 сентябрь.25.09.2022 й.// <https://kknews.uz/uz/114729.html>
11. Бахтиёр Саидов Германия ташқи ишлар вазири билан учрашди.03.05.2023 й.// <https://sputniknews.uz/20230503/baxtiyor-saidov-germaniya-tashqi-ishlar-vaziri-34575332.html>.
12. Сближение с Россией, Китай — главный поставщик. Как изменилась внешняя торговля Узбекистана в 2022 году// <https://www.gazeta.uz/ru/2023/01/24/trade-partners/>
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. 24.09.2020 й.// <https://tma.uz/2020/09/24/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-birlashgan-millatlar-tashkiloti-bosh-assambleyasining-75-sessiyasidagi-nut-i/>
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи маслаҳат учрашувидаги нутқи.21 июль 2022 й. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-markazij-osiyo-davlatlari-rahbarlarining-tortinchi-maslahat-uchrashuvidagi-nutqi>
15. Куртов А. “Исламизация Узбекистана неизбежна”//<https://iwpr.net/ru/global-voices/azhdar-kurtov-islamizaciya-uzbekistana-neizbezghna>), (Узбекистан не может быть самой светской страной в Средней Азии. 16:10 06.06.2018// (<https://uz.sputniknews.ru/20180606/Kurtov-Uzbekistan-ne-mozhet-byt-samoy-svetskoy-stranoy-v-Sredney-Azii-8424994.html>).
16. Грозин А.Узбекистан совершает во внешней политике ошибку за ошибкой//<https://regnum.ru/news/polit/3472384.html>.
17. Тешабаева М. Какие угрозы ожидают экономику Узбекистана в 2023 году? 02.01.2023 г.\\: <https://upl.uz>).